

IMANUM ПЛАТФОРМАСИДА РЎЙХАТДАН ЎТИШ БЎЙИЧА ОФЕРТА

№ 2- сон

Тошкент ш.

“26” июнь 2025 йил

1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА АТАМАЛАР

“Оферта” – Компания томонидан офертада кўрсатилган шартлар асосида номуайян шахсларга юборилган ва уни қабул қиладиган шахс билан шартнома тузиш ниятини ифода этадиган таклиф.

“IMANUM” – www.imanpay.uz интернет манзилидаги сайтда жойлаштирилган ва/ёки *Google Market* ва *App Store*’дан юклаб олиш мумкин бўлган мобил иловалар орқали фаолият юритувчи платформа. Маҳсулотларнинг офлайн ва онлайн савдолари IMANUM платформаси орқали амалга оширилади.

“Келишув” – Мижоз мазкур оферта шартларини қабул қилиб, акцептлаши натижасида автоматик тарзда тузиладиган олди-сотди шартномаси.

“Акцепт” – ушбу офертанинг 3-бобида кўрсатилган тартибда маълумотларини платформага киритган ва рўйхатдан ўтиш учун барча ҳаракатларни бажариш.

“Компания” – “IMAN HALAL INVESTMENTS KOMMANDITNOE TOVARISHESTVO” коммандит ширкати, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ рўйхатга олинган. (Рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома: 2020 йил 13 февраль, № 814296. ИНН: 307128450, ИФУТ: 47190, МФО: 01017. Ҳисоб рақами: 2020 8000 2051 8157 4001, “Ипотека-Банк” АКИБ Яккасарой филиалида). Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Равнақ кўчаси, 21 уй.

“Мижоз” – офертада кўрсатилган шартларни тўлиқ ва сўзсиз акцепт қилган, муомала лаёқатига эга жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти).

“Компаниянинг ҳамкори” – бу Компания томонидан кейинчалик уни Мижозга сотиш мақсадида унинг буюртмасига асосан маҳсулот харид қилинган тадбиркорлик субъекти (дўкон).

“Томон” ёки “Томонлар” – контекстга боғлиқ равишда Мижоз ёки Компания, ёки мос равишда ҳар иккала тараф.

“Маҳсулот” – фуқаролик айланмасидан олинмаган ва чекланмаган товар. У Компаниянинг ёки ҳамкор савдо нуқталари ҳамда электрон платформаларида сотиш учун тақдим этилган товар.

“Буюртма” – Мижоз томонидан IMANUM орқали маҳсулотни харид қилиш учун берилган ариза.

“Компаниянинг платформалари” - Компанияга тегишли IMAN, IMAN Merchant, IMAN web каби илова ва вебсайтлар.

2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Оферта Компаниянинг ушбу офертада кўрсатилган шартларда IMANUM платформаси орқали маҳсулот сотиб олиш истагида бўлган мижозларни рўйхатдан ўтказиш ва тўлов қобилиятини аниқлаш мақсадида номуайян шахсларга йўналтирилган расмий оммавий таклифи ҳисобланади.

2.2. Ушбу оферта IMANUM платформасида Мижознинг рўйхатдан ўтказиш ва тўлов қобилиятини аниқлаш билан боғлиқ шартларни тартибга солади.

3. РЎЙХАТДАН ЎТИШ ВА ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ СКОРИНГ ҚИЛИШ

3.1. Мижознинг рўйхатдан ўтиши ва буюртмани расмийлаштириш тартиби қуйидаги 3 та босқичдан иборат:

3.1.1. Компаниянинг тизимида рўйхатдан ўтиш тартиби

а) Мижоз Компаниянинг платформаларида ўзига тегишли мобил телефон рақами орқали шахсий ҳисоб (аккаунт)ни ўзи мустақил ёки ҳамкор-дўконлардаги ҳамкор-дўконнинг ёки Компаниянинг ходимлари ёрдамида яратиши мумкин. Мижозлар учун мўлжалланган платформани (IMAN) Apple store ёки Google play да юклаб олиш мумкин ёки ҳамкор-дўконнинг ёки Компаниянинг ходимларига мурожаат қилиши мумкин.

б) Мижоз киритган ёки ходимга айтган телефон рақамига Компания томонидан “Оммавий оферта”га хавола ва **тасдиқлаш кодидан иборат СМС** юборилади.

3.1.2. Оферта шартларига розилик ва маълумотларни қайта ишлашга розилик бериш

Мижоз СМС орқали юборилган кодни Мижоз Компаниянинг платформасига киритиш ёки ходимга айтиш орқали ўз рақамини ва **оферта шартлари** ва **шахсий маълумотларини қайта ишлашга** розилик беришини тасдиқлайди.

3.1.3. Мижознинг идентификациялаш ва тўлов қобилиятини аниқлаш (скоринг)

Мижоз Компаниянинг платформасида (My ID тизими ва шу каби бошқа тизимлар орқали) идентификациялаш ва тўлов қобилиятини текшириш мақсадида қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

а) Шахсий паспорт/ID картаси ёки ЖШШИР рақамини ва туғилган санани киритиш.

б) «Селфи» суратга олиш орқали шахсини тасдиқлаш.

в) Шахсий банк картасини Компаниянинг тизимида боғлаши шарт. Банк карта эгасининг исми билан паспорт/ID картада кўрсатилган исми ва фамилияси мос келиши шарт.

г) Компаниянинг тизимида шахсий маълумотларни (қўшимча телефон рақамлари, шу жумладан қариндошларининг телефон рақамларини) киритиш ва уларни тасдиқлаш.

д) Компаниянинг тизимида сўралган бошқа қўшимча маълумотларни, жумладан мобил қурилмасида Мижоз фойдаланишга рухсат берган расм, жойлашув, платформадан фойдаланишнинг фаоллик даражаси ва бошқа маълумотларидан Компания фойдаланишига рухсат беради.

е) Мижоз томонидан барча зарур маълумотлар тўғри киритилиши шарт.

3.1.4. Мижоз юқорида санаб ўтилган ҳаракатларни бажаргандан сўнг, Компания тизими томонидан **скоринг** амалга оширилади. Скоринг натижаларига кўра Мижозга **мавжуд тўлов лимити** белгиланади. Ушбу лимит доирасида Мижоз маҳсулотни муддатли тўловга харид қилиши мумкин. Ажратилган лимит миқдори маҳсулот таннархи ва устамасини ўз ичига олади.

3.1.5. Лимит миқдори танланган муддатга боғлиқ равишда ҳисобланади ва Мижоз банк картасидаги пул айланмасига мувофиқ ҳар ой ўзгариб туриши мумкин. Лимит унга берилган пул миқдорини эмас, балки Мижознинг тўлов қобилиятига асосан унинг сотиб олиши мумкин бўлган маҳсулот нархининг чегарасини белгилайди.

3.1.6. Агар Мижоз скоринг жараёнида бошқа шахсга тегишли бўлган шахсий маълумотларни ёки бошқа шахснинг пластик карта маълумотларини киритган бўлса, бунинг оқибатида Компанияга келтирилган зарар учун жавобгарлик Мижоз зиммасига юкланади.

Шунингдек, бундай нотўғри маълумотлар асосида кейинчалик тузилган дастлабки келишув ва олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган барча молиявий ва ҳуқуқий жавобгарлик Мижоз зиммасига юкланади.

Агар Мижоз пластик карта эгасидан тегишли рухсат олган бўлса, буни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этиши шарт. Агар бундай ҳолатлар олди-сотди шартномаси ёки молиявий ижара шартномаси тузилганидан кейин аниқланса ва Мижоз мазкур тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса, унга расмий равишда ёзма хабарнома юборилади ва тўловни тўлиқ амалга ошириш талаб этилади. Агар Мижоз талаб қилинган тўловларни белгиланган муддатда амалга оширмаса, Компания қарзни ундириш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Агар бошқа шахс (картанинг ҳақиқий эгаси) ўз зиммасига молиявий мажбуриятларни олманини ва Мижознинг хатти-ҳаракатларида фирибгарлик аломатлари маълум қилса, бундай ҳолат қонунчилик асосида жиноий ҳаракат сифатида баҳоланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар қилинади.

4. ПЛАТФОРМАДАН ФОЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Мижоз ишончли ва тўғри маълумот тақдим қилиш ҳамда уларни ўз вақтида янгилаш мажбуриятини олади.

4.2. Мижоз вирус ёки зарарли дастурларни юкламаслик, бошқа шахсларнинг унинг akkaунти логин ва паролларини олишга уринишлардан сақланиши ва IMANUM'нинг ишлаш жараёнига салбий таъсир қилувчи ҳаракатлар амалга оширмаслиги лозим.

4.3. IMANUM платформасидаги барча маълумотлар ва график тасвирлар унинг қонуний эгасига тегишлидир. Мижоз Компаниянинг муаллифлик ва турдош ҳуқуқларга риоя қилиши шарт. Ноқонуний фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ таъқиб қилинади.

4.4. IMANUM техник носозликлар ёки интернетдаги узилишлар сабабли Мижознинг зарар кўриши учун жавобгар эмас. Мижоз IMANUM га кириш учун фойдаланаётган қурилмалар хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

4.5. Мижоз оферта шартларини бузган тақдирда, у ўз ҳаракатлари учун тўлиқ жавобгар бўлади. Компания оферта шартларини бузган ҳолда жойлаштирилган маълумотларни ўчириш ва Мижоз akkaунтини блоклаш ҳуқуқига эга.

Компания қуйидаги ҳолларда Мижоз akkaунтини блокланади:

- а) Учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилганда.
- б) Платформада ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилганда.
- в) Оферта шартлари бузилганда.

5. ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ

5.1. Шахсий маълумотларни қайта ишлашга розилик ва умумий қоидалар

5.1.1. Мижоз Ўзбекистон Республикасининг "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги Қонунига асосан ўзининг шахсий маълумотларини қайта ишлашга розилик билдирганини тасдиқлайди.

5.1.2. Мижоз шахсий маълумотларини қайта ишлашга берган розилиги мазкур оферта шартларига, шу жумладан қонун талабларига тўлиқ мос бўлиши керак.

5.2. Шахсга доир маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) Ф.И.О., туғилган сана ва жойи;
- б) Паспорт маълумотлари (серия ва рақам);
- в) Почта ва электрон манзиллар, телефон рақамлари;
- г) Меҳнат фаолияти ва даромад манбалари тўғрисидаги маълумотлар;
- д) Банк карталари реквизитлари ва кредит тарихи.

5.2.1. Маълумотлар қуйидаги мақсадлар қайта ишланиши мумкин:

- а) Мижознинг шахсини аниқлаш ва келишувни тузиш;
- б) Мижознинг тўловга қодирлигини ва мажбуриятларини бажариш қобилиятини баҳолаш;
- в) Келишув бўйича қонуний ҳисоботлар юритиш.

5.3. Шахсий маълумотларни қайта ишлашнинг усуллари

5.3.1. Шахсий маълумотлар автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган усулларда қайта ишланади, шу жумладан:

- а) Интернет тармоғи орқали маълумотлар узатилиши;
- б) Махсус дастурий воситалар ёрдамида тўплаш ва таҳлил қилиш.
- с) Барча қайта ишлаш жараёнлари қонунчиликда белгиланган махфийлик талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

5.4. Учинчи шахслар билан ахборот алмашинуви

5.4.1. Мижознинг шахсий маълумотлари қуйидаги ҳолатларда учинчи шахсларга тақдим этилади:

- а) Компания билан тузилган шартномаларни бажариш учун тўлов тизимлари ва мобиль операторларга;
- б) Тўловга қодирлигини баҳолаш учун скоринг компанияларига.
- в) Қарздорликни ундириш мақсадида тегишли ваколатли давлат органларига.

5.5. Ахборотларни янгилаш ва тўғрилаш ҳуқуқи

5.5.1. Мижоз ўз шахсий маълумотларининг аниқ ва ишончли бўлишини таъминлаши шарт.

5.5.2. Мижоз IMANUM платформаси орқали ёки электрон ариза юбориш йўли билан ўз маълумотларини янгилаш ёки тўғрилашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5.6. Розиликни бекор қилиш тартиби

5.6.1. Мижоз шахсий маълумотларни қайта ишлашга берган розилигини қуйидаги усуллар орқали бекор қилиши мумкин:

- а) Почта орқали Компанияга ёзма ариза юбориш;
- б) IMANUM орқали электрон ариза тақдим қилиш.

Розилик бекор қилинганидан сўнг, шахсий маълумотлар қонуний асосларда сақланиши мумкин бўлган муддатда сақланади.

5.7. Компания ва IMANUMнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.7.1. Компания:

- а) Мижознинг шахсий маълумотларини қонунчиликда белгиланган тартибда қайта ишлашни таъминлайди;
- б) Ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради.

5.7.2. IMANUM:

- а) Мижознинг шахсий кабинетидagi маълумотлардан қонунчиликка зид бўлмаган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқига эга;
- б) Компания ёки IMANUM айби бўлмаган ҳолда ахборотларнинг махфийлиги бузилган тақдирда Мижозга **3 иш куни** ичида хабар беради.

5.8. Мажбуриятларни бажармаслик ва жавобгарлик

- а) Мижоз шахсий маълумотларни нотўғри тақдим этган ёки оферта шартларини бузган ҳолатларда жавобгарликни ўзи зиммасига олади.
- б) Компания шахсий маълумотларнинг учинчи шахслар томонидан ноқонуний фойдаланилиши учун жавобгар эмас, агар бу ахборотлар хавфсизлик чораларига риоя қилинган ҳолатда тарқатилган бўлса.

5.9. Техник носозликлар ва ахборот хавфсизлиги

- а) IMANUM унга боғлиқ бўлмаган ҳолда платформа ишидаги носозликлар туфайли келиб чиқадиган зарарлар учун жавобгар эмас.
- б) Мижоз ўз қурилмалари ва дастурий воситаларининг хавфсизлигини таъминлаши шарт.

6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

6.1. Форс-мажор ҳолатлар бу — фавқулодда ва олдиндан кўриш мумкин бўлмаган табиий ёки ижтимоий ҳодисалар бўлиб, улар томонлар назоратидан ташқарида юзага келади. Бундай ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) Табиий офатлар (зилзила, сув тошқини, ёнғинлар ва бошқалар);
- б) Уруш ҳолатлари ва ҳарбий ҳаракатлар;
- в) Эпидемия ва пандемия;
- г) Давлат органларининг қарорлари ва ҳаракатлари;
- д) Оммавий тартибсизликлар.
- е) Хакерлик ҳужумлари

ё) Қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар.

6.2. Форс-мажор ҳолатида Компания ўзининг айрим ёки барча мажбуриятларини вақтинча бажармаслик ҳуқуқига эга.

6.3.2. Форс-мажор давомида томонлар ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатади ва форс-мажор тугагач, мажбуриятлар қайта тикланади.

6.3. Форс-мажор юзага келганида, томонлар бу ҳақда бир-бирларини зудлик билан, лекин кечиктирмай хабардор қилишлари шарт.

7. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

7.1. Офертада кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиладилар.

7.2. Агар Офертанинг айрим қоидалари ҳақиқий эмас деб топилса, бу ҳолат унинг қолган қоидаларига таъсир қилмайди. Бошқа қоидалар ўз кучида қолади ва Оферта тўлиқ амал қилишда давом этади.

8. КОМПАНИЯНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

Компания номи	“IMAN HALAL INVESTMENTS KOMMANDITNOE TOVARISHESTVO” коммандит ширкати
СТИР:	307128450
Банк ҳисоб рақами:	Сўмда ҳ/р: 2020 8000 2051 8157 4001 АҚШ долларида ҳ/р: 2020 8840 9051 8157 4003
Банк:	МФО 01017 "Ипотека-банк" АКИБ Яккасарой филиали SWIFT: УЗҲОУ322
Манзил:	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Равнақ кўчаси, 21 уй

Ушбу Оферта Ислом молияси ва фикҳи мезонларига мувофиқ эканлиги тасдиқланган.

ОФЕРТА О РЕГИСТРАЦИИ НА ПЛАТФОРМЕ IMANUM

№ 2

г. Ташкент

«3» февраля 2025 года

1. ОСНОВНЫЕ ПОНЯТИЯ И ТЕРМИНЫ

«Оферта» – предложение, направленное Компанией неопределённому кругу лиц на условиях, изложенных в настоящей Оферте, выражающее намерение заключить договор с лицом, принявшим данное предложение.

«IMANUM» – платформа, размещённая по адресу www.imanpay.uz, а также функционирующая через мобильные приложения, доступные для скачивания в Google Play Market и App Store. Продажа товаров онлайн и офлайн осуществляется через платформу IMANUM.

«Соглашение» – договор купли-продажи, который автоматически заключается в результате акцепта настоящей Оферты Клиентом.

«Акцепт» – выполнение всех действий, указанных в разделе 3 настоящей Оферты, включая ввод данных на платформе и завершение процесса регистрации.

«Компания» – Коммандитное товарищество «IMAN HALAL INVESTMENTS KOMMANDITNOE TOVARISHESTVO», зарегистрированное в соответствии с законодательством Республики Узбекистан. (Свидетельство о государственной регистрации: 13 февраля 2020 года, № 814296. ИНН: 307128450, ОКЭД: 47190, МФО: 01017. Расчётный счёт: 2020 8000 2051 8157 4001 в АКИБ «Ипотека-Банк», Яккасарайский филиал). Адрес: г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Равнак, дом 21.

«Клиент» – физическое лицо (резидент или нерезидент Республики Узбекистан), обладающее дееспособностью и принявшее настоящую Оферту в полном объёме и безоговорочно.

«Партнёр Компании» – субъект предпринимательской деятельности (магазин), у которого Компания приобретает товары по заказу Клиента с последующей их продажей Клиенту.

«Сторона» или «Стороны» – в зависимости от контекста, Клиент или Компания, либо обе стороны одновременно.

«Товар» – товар, не изъятый из гражданского оборота и не ограниченный в обороте, представленный для продажи на торговых точках Компании, у её партнёров или на электронных платформах.

«Заказ» – заявка Клиента на покупку товара через платформу IMANUM.

«Платформы Компании» – принадлежащие Компании мобильные приложения и веб-сайты, такие как IMAN, IMAN Merchant, IMAN web.

2. ОБЩИЕ ПОЛОЖЕНИЯ

2.1. Настоящая Оферта - официальное публичное предложение Компании, адресованное неопределенным лицам с целью регистрации и определения платежеспособности клиентов, желающих приобрести продукцию через платформу IMANUM на условиях, указанных в настоящей оферте.

2.2. Настоящая Оферта регулирует условия, связанные с регистрацией Клиента на платформе IMANUM и определением его платежеспособности.

3. РЕГИСТРАЦИЯ И ОЦЕНКА ПЛАТЕЖЕСПОСОБНОСТИ

3.1. Процесс регистрации Клиента и оформления заказа включает следующие три этапа:

3.1.1. Порядок регистрации в системе Компании

а) Клиент может создать личный аккаунт на платформах Компании, используя принадлежащий ему номер мобильного телефона. Регистрация может быть произведена самостоятельно, либо с помощью сотрудников партнёрских магазинов или сотрудников Компании. Клиент может скачать платформу IMAN в Apple Store или Google Play либо обратиться за помощью к сотрудникам партнёрских магазинов или Компании.

б) На указанный Клиентом (или сообщённый сотруднику) номер телефона Компания отправляет SMS-сообщение с ссылкой на «Публичную оферту» и кодом подтверждения.

3.1.2. Согласие с условиями Оферты и обработкой персональных данных

Клиент подтверждает свой номер телефона, а также своё согласие с **условиями Оферты и обработкой персональных данных** путём ввода полученного по SMS кода в платформу Компании или передачи кода сотруднику.

3.1.3. Идентификация Клиента и оценка его платёжеспособности (скоринг)

Клиент проходит идентификацию и проверку платёжеспособности через платформу Компании (систему My ID и аналогичные сервисы), выполняя следующие действия:

а) Ввод персональных данных, включая данные паспорта/ID-карты, ИНН (ЖШШИР) и дату рождения.

б) Подтверждение личности с помощью фотографии («селфи»).

с) Привязка личной банковской карты к системе Компании. Имя владельца карты должно совпадать с именем и фамилией, указанными в паспорте/ID-карте.

д) Внесение в систему Компании дополнительных персональных данных (включая дополнительные номера телефонов, в том числе номера родственников) и их подтверждение.

е) Предоставление Компании разрешения на использование определённых данных, доступ к которым Клиент предоставил на своём мобильном устройстве, включая фотографии, геолокацию, активность на платформе и другие сведения.

ф) Ввод всех запрашиваемых данных должен быть точным и достоверным.

3.1.4. После выполнения вышеуказанных действий система Компании проводит **скоринг**, на основании которого определяется **доступный Клиенту платёжный лимит**. В пределах данного лимита Клиент может приобретать товары в рассрочку. Величина выделенного лимита включает в себя стоимость товара и надбавку.

3.1.5. Размер лимита рассчитывается в зависимости от выбранного срока рассрочки и может изменяться ежемесячно в соответствии с движением денежных средств по банковской карте Клиента. Лимит не является предоставленной денежной суммой, а определяет максимальную стоимость товара, которую Клиент может приобрести, исходя из его платёжеспособности.

3.1.6. Если в процессе скоринга Клиент вводит персональные данные или данные банковской карты, принадлежащие другому лицу, он несёт полную ответственность за возможный ущерб, причинённый Компании.

Кроме того, вся финансовая и юридическая ответственность, вытекающая из заключённых на основании некорректных данных предварительных соглашений и договоров купли-продажи, ложится на Клиента.

Если Клиент использует банковскую карту другого лица с его разрешения, он обязан предоставить документы, подтверждающие это разрешение. В случае выявления подобной ситуации после заключения договора купли-продажи или договора финансовой аренды, но при отсутствии подтверждающих документов, Клиенту направляется официальное письменное уведомление с требованием полного погашения задолженности.

Если Клиент не погашает требуемую сумму в установленный срок, Компания вправе обратиться в суд для взыскания долга.

Если владелец банковской карты (третье лицо) заявляет об отсутствии у него финансовых обязательств и наличии в действиях Клиента признаков мошенничества, такая ситуация может быть квалифицирована как преступление, о чём Компания сообщит правоохранительным органам в соответствии с законодательством.

4. УСЛОВИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПЛАТФОРМЫ

4.1. Клиент обязуется предоставлять достоверную и точную информацию, а также своевременно обновлять её в случае изменения.

4.2. Клиент не должен загружать вирусы или вредоносные программы, а также обязан принимать меры для предотвращения попыток третьих лиц получить логин и пароль от его аккаунта. Кроме того, Клиент не должен совершать действия, негативно влияющие на работу платформы IMANUM.

4.3. Вся информация и графические изображения на платформе IMANUM принадлежат её законному владельцу. Клиент обязан соблюдать авторские и смежные права Компании. Незаконное использование материалов преследуется в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан.

4.4. IMANUM не несёт ответственности за ущерб, понесённый Клиентом в результате технических неисправностей или перебоев в работе сети Интернет. Клиент несёт ответственность за обеспечение безопасности устройств, с которых он получает доступ к IMANUM.

4.5. В случае нарушения условий Оферты Клиент несёт полную ответственность за свои действия.

Компания имеет право удалять размещённую информацию и блокировать аккаунт Клиента в случае нарушения условий Оферты.

Компания вправе заблокировать аккаунт Клиента в следующих случаях:

- а) Нарушение прав и законных интересов третьих лиц.
- б) Совершение незаконных действий на платформе.
- в) Несоблюдение условий Оферты.

5. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ И ОБРАБОТКА ПЕРСОНАЛЬНЫХ ДАННЫХ

5.1. Согласие на обработку персональных данных и общие положения

5.1.1. Клиент подтверждает своё согласие на обработку персональных данных в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О персональных данных».

5.1.2. Согласие Клиента на обработку персональных данных должно полностью соответствовать условиям настоящей Оферты, а также требованиям законодательства.

5.2. Персональные данные включают в себя:

- а) Ф.И.О., дату и место рождения;
- б) Паспортные данные (серия и номер);
- с) Почтовый и электронный адреса, номера телефонов;
- д) Сведения о трудовой деятельности и источниках дохода;
- е) Реквизиты банковских карт и кредитную историю.

5.2.1. Персональные данные могут обрабатываться в следующих целях:

- а) Идентификация личности Клиента и заключение соглашения;
- б) Оценка платёжеспособности Клиента и его способности выполнять обязательства;
- с) Ведение законной финансовой отчётности по соглашению.

5.3. Способы обработки персональных данных

5.3.1. Персональные данные обрабатываются автоматизированными и неавтоматизированными методами, в том числе:

- а) Передача данных через сеть Интернет;
- б) Сбор и анализ информации с использованием специальных программных средств;
- с) Все процессы обработки данных осуществляются с соблюдением требований законодательства о конфиденциальности.

5.4. Передача информации третьим лицам

5.4.1. Персональные данные Клиента могут передаваться третьим лицам в следующих случаях:

- а) Платёжным системам и мобильным операторам для исполнения договоров, заключённых с Компанией;
- б) Скоринговым компаниям для оценки платёжеспособности Клиента;
- с) Уполномоченным государственным органам в целях взыскания задолженности.

5.5. Право на обновление и исправление информации

5.5.1. Клиент обязан обеспечивать точность и достоверность своих персональных данных.

5.5.2. Клиент вправе требовать обновления или исправления своих данных через платформу IMANUM либо путём направления электронного запроса.

5.6. Порядок отзыва согласия

5.6.1. Клиент может отозвать своё согласие на обработку персональных данных следующими способами:

- a) Направив письменное заявление по почте в Компанию;
- b) Отправив электронный запрос через платформу IMANUM.

После отзыва согласия персональные данные могут храниться в течение срока, установленного законодательством.

5.7. Права и обязанности Компании и платформы IMANUM

5.7.1. Компания обязуется:

- a) Обеспечивать обработку персональных данных Клиента в соответствии с требованиями законодательства;
- b) Принимать меры по обеспечению информационной безопасности.

5.7.2. IMANUM имеет право:

- a) Использовать данные личного кабинета Клиента в соответствии с законодательством;
- b) Уведомлять Клиента в течение 3 рабочих дней в случае нарушения конфиденциальности данных не по вине Компании или платформы IMANUM.

5.8. Ответственность за нарушение обязательств

- a) Клиент несёт ответственность за предоставление недостоверных персональных данных или нарушение условий Оферты.
- b) Компания не несёт ответственности за неправомерное использование персональных данных третьими лицами, если были соблюдены все меры безопасности.

5.9. Технические неисправности и информационная безопасность

- a) IMANUM не несёт ответственности за ущерб, вызванный сбоями в работе платформы, если они произошли по независящим от неё причинам.
- b) Клиент обязан самостоятельно обеспечивать безопасность своих устройств и программного обеспечения.

6. ФОРС-МАЖОРНЫЕ ОБСТОЯТЕЛЬСТВА

6.1. Форс-мажорные обстоятельства – это чрезвычайные и непредвиденные природные или социальные явления, которые возникают вне контроля Сторон. К таким обстоятельствам относятся:

- a) Стихийные бедствия (землетрясения, наводнения, пожары и другие);
- b) Военные действия и состояние войны;
- c) Эпидемии и пандемии;
- d) Решения и действия государственных органов;
- e) Массовые беспорядки;
- f) Хакерские атаки;
- g) Внесение изменений и дополнений в законодательные акты.

6.2. В случае наступления форс-мажорных обстоятельств Компания вправе временно приостановить исполнение своих обязательств, частично или полностью.

6.3. В течение периода действия форс-мажорных обстоятельств Стороны приостанавливают исполнение своих обязательств. После прекращения форс-мажорных обстоятельств исполнение обязательств возобновляется.

6.4. При возникновении форс-мажорных обстоятельств Стороны обязаны незамедлительно уведомить друг друга.

7. ЗАКЛЮЧИТЕЛЬНЫЕ УСЛОВИЯ

7.1. Вопросы, не урегулированные настоящей Офертой, регулируются действующим законодательством Республики Узбекистан.

7.2. Если какое-либо положение Оферты будет признано недействительным, это не влечёт за собой недействительность остальных положений. Все другие условия остаются в силе, и Оферта продолжает действовать в полном объёме.

8. РЕКВИЗИТЫ КОМПАНИИ

Название	“IMAN HALAL INVESTMENTS KOMMANDITNOE TOVARISHESTVO” коммандит ширкати
ИНН:	307128450
Банковский р.с:	Сўмда ҳ/р: 2020 8000 2051 8157 4001 АҚШ долларида ҳ/р: 2020 8840 9051 8157 4003
Банк:	МФО 01017 "Ипотека-банк" АКИБ Яккасарой филиали SWIFT: UZXOYU322
Адрес:	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Равнақ кўчаси, 21 уй